2011-yil 11-yanvar № 5 (2886) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Шу давр ичида амалга оширилган ишларни баҳолар эканмиз, бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Ислом КАРИМОВ

Саховат

Бола кўнглини асрамоқ – келажакни, Ватаннинг эртасини асрамоқдир. Ўзбек эса азал-азалдан фарзандига борини берган, унинг бахти учун керак бўлса, ҳаловатидан ҳам воз кечган. Бундай жонфидоликни кўп халқлар деярли қаҳрамонликка менгзаса, биз бу ҳолатни оддий турмуш тарзига кўчирганмиз. Болаларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топишига эътибор қаратиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Меҳр қолур, муҳаббат қолур

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, пойтахт касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўзаро ҳамкорликда пойтахтимиз шифохоналарида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келиб даволанаётган бемор болаларнинг ҳолидан хабар олиш, совғалар тақдим этиб, байрам билан табриклаш хайрли анъанага айланган.

Янги йил байрами муносабати билан Республика болалар руҳий касалликлари шифохонаси, Республика болалар ортопедия маркази, Республика болалар полиомиелит касалхонаси, Ўзбекистон физиотерапия ва пулмонология илмий-текшириш институти, Республика болалар суяк сили касалхонаси, Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти, Тошкент шаҳар онкология диспансери, Тошкент шаҳар болалар сил касаллиги касалхонаси, Республика қон қуйиш институтида даволанаётган бемор болаларга янги йил совғалари тақдим этилиб, эзгу тилаклар билдирилди.

Республика онкология диспансерида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда байрам томошаси уюштирилди ва болажонларга Янги йил совғалари тақдим этилди.

— Қизим Гулшода 5 ёшда. Оёғидан операция бўлди, — дейди Сурхондарё вилояти Термиз туманидан келган Сафаргул Холбоева. — Шифохонада яратилган шароит, шифокор ва ҳамшираларнинг ғамхўрлиги туфайли тузалиб бораяпти. Бугунги тадбир эса кўнглимизни янада кўтарди.

— Албатта, хуш кайфият — касалликни енгиб ўтишда муҳим омилдир, — дейди биз билан бўлган суҳбатда Республика Онкология диспансери болалар бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Тожиддин Мустафоев. — Болаларнинг хурсандчилиги — бизнинг қувончимиз. Бўлимимизда 25 нафар бола даволанмоқда. Касаба уюшмасининг бугунги тадбири даволаш жараёнимизга ёрдам беришига ишонаман.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этиб, болажонларга байрам совғаларини топширди.

Шунингдек, Янги йил байрами арафасида тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари томонидан корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун цирк томошаларига 90 минг дона, Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуида ташкил этилган байрам тадбирига 15 мингдан зиёд чипталар берилди.

Муҳими, одамларга меҳр кўрсатиш, ғамхўрлик қилишдир. Чунки кўнгилларга ташланган меҳр уруғи вақти келиб, эзгулик дарахтларига айланса, ажаб эмас.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

Нишон туманининг Нуристон шаҳарчасида жойлашган 20-умумий ўрта таълим мактабида «ALFA TRADING-GRES» ҳарбий спорт синфлари ташкил этилган. Ўтказилаётган дарсларда ҳарбий билимлар пухта ўргатилади, назарий билимлар амалий машғулотлар билан мустаҳкамланади. Яқинда «Биз ватан посбонларимиз» шиори остида ёш ҳарбийлар тантанали қасамёд қабул қилишди.

Биз Ватан посбонларимиз

— Ўқувчиларни ҳарбий спорт турларини мустаҳкам эгаллашлари, Она Ватанимизнинг муносиб посбонлари бўлиб етишишлари учун бутун билим ва тажрибамизни аямаймиз, — дейди ҳарбий спорт гуруҳлари раҳбари Жаҳонгир Аннаев. — Фарзандларимиз ҳам ақлан, ҳам жисмонан етук кадрлар бўлиб етишса, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз.

Илм даргоҳининг ҳарбий синфларида таржимонлик, алоқачи ва мотоўқчи йўналишида машғулотлар олиб борилади. Келгусида ҳарбий мактаб учун алоҳида бино ва ётоқхона қурилади. Чунки билим масканида Яккабоғ, Деҳқонобод каби туманларидан ҳам иқтидорли ёшлар келиб таълим оляпти. Улар махсус кийим-кечак билан таъминланган.

Яқинда бўлиб ўтган машғулотларда туман ҳокими Рустам Саъдуллаев, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Эркин Қобилов, ҳарбий қисм командирлари, Ўзбекистон «UEET KUHE DO» федерацияси президенти Михаил Ким иштирок этиб, таълим сифатига юксак баҳо беришди.

Мактаб директори Маҳмуд Бухоровнинг таъкидлашича, ўқувчиларнинг ҳар томонлама чуқур билим олиши учун ҳамма шароитлар яратилган. Машғулотлар мактабдан ажралмаган ҳолда, дарсдан кейин ўтказилади. Тушликда болалар овқатлантирилади. Ўқувчилар ота-оналар билан тузилган шартнома асосида ўқитилиб, сертификат ва ҳарбий билим юртларига йўлланма берилади.

Иззат ҲИКМАТОВ

Дўстлик ғалаба қозонди

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият-тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлимлари ҳамкорлигида Кармана туманидаги ҳарбий қисмда мусобақа ўтказилди.

Бир гуруҳ аскарлар иштирок этган мазкур беллашувда ёшларнинг юрт тараққиётидаги ўрни, ҳуқуқий ва маънавий билимларига баҳо берилди. Ёш аскарлардан таркиб топган «Адолат» ва «Қалқон» гуруҳларининг тайёргарлиги, билим доираси, шунингдек, сардорларнинг зукколиги холисона баҳоланиб борилди. Беллашувда дўстлик ғалаба қозонди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Мансур ЗОИРОВ

Ахборот

Самимий учрашувлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева Жиззах вилоятида бўлиб, Ғаллаорол, Жиззах туманларида амалга оширилаётган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан яқиндан танишди.

«Мулкуш» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди Ғаллаорол туманидаги энг обод масканлардан. Муллабулоқ қишлоғилик Синдор Абулқосимов, Абдукомил Ҳамидов, Мухторхон Аъзамов, Абдуғани Бегимқулов, Ҳақберди Ҳотамов, Абдуҳошим Абулқосимов, Файзулла Темиров хонадонларида бўлган учрашувлар самимий мулоқот тарзида кечди. Федерация кенгаши раҳбари мазкур оилаларнинг турмуш тарзи, фикр-ўйи, интилишлари, эртанги режалари билан яқиндан танишди.

Шу қишлоқда жойлашган Жиззах политехника институти қошидаги 2-академик лицей мажлислар залида ўтказилган туман фаоллари билан учрашувда «Ризқ» фермер хўжалиги раҳбари Л.Эгамова, «Фароиз» фермер хўжалиги бошлиғи С.Қўлдошева, туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳакими Ё.Ёқубов сўзга чиқиб, саранжом-саришталик, ободончилик ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кўчатчилик билан шуғулланувчи тадбиркор Тўлқин Каримов ҳозиргача туман хўжаликларига 25 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчат етиштириб берди.

Жиззах туманининг «Қалия» маҳалласи ҳудудида истиқомат қилувчи Бозорбой ака оила аъзолари билан кўп йиллардан бери кўчат етиштириш билан шуғулланади. Ҳозиргача улар 12 минг туп кўчат тайёрлашди. Яна 40 минг туп кўчат етиштирилади.

Жиззах туманидаги касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган йиғилишда туман фаоллари ҳозир бўлишди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида касаба уюшма фаоллари, вилоят, туман тармоқ касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари билан учрашув ўтказилди.

Унда Федерация кенгаши раҳбари Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар, ЎзКУФ V Қурултойи белгилаб берган вазифалар, касаба уюшмалари бажариши зарур бўлган ишлар ҳамда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш, чорвачиликни ривожлантириш борасидаги юмушлар ҳақида тўхталди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Боғи борнинг баҳори бор

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V қурултойида юртимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига ҳар бир киши 20 тадан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ташаббусини Ховос тумани аҳли ҳам мамнуният билан қабул қилишди. Ташаббусга жавобан туман аҳолиси 1 млн. 334 минг туп кўчат ва қаламчалар экишни режалаштирди. Айни пайтда 30 мингдан ортиқ турли мевали дарахт қаламчалари, 35 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

— Маҳалламиз аҳли боғдорчиликни азалдан ўзларининг асосий касби деб ҳисоблайди, — дейди «Шарқобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Суюн ҳожи Норбўтаев. — Бекобод шамолидан баҳра олган меваларимиз таъми инсон баҳри-дилини яйратади. Бир вақтлар кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилганмиз. Халқимизга манзур бўлган мевалар етиштиришни кўпайтириш мақсадида 5 гектар майдонда боғ яратишга келишиб олдик. Ўзим оилам билан ярим гектарлик токзор яратиш ниятидаман.

Туманда мазкур хайрли ишга астойдил киришилган. Бобур номидаги хўжаликнинг тадбиркорлари 450 гектар майдонда боғ ва токзорлар яратиш ниятида белни маҳкам боғлаб иш бошлашган.

Э.БЎРИЕВ,
Ўзбекистон савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилоят вакили

Кўчат экиш савобдир

Ташаббус қанот ёймоқда

Истиқлол йилларида Ватанимизни ҳар томонлама гуллатиб-яшнатиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари юқори поғонага кўтарилди. Юртимизнинг қайси бир гўшасида бўлманг, атрофдаги орасталик, равон йўллар, мевали боғлар, қад кўтараётган замонавий уйларга қараб, баҳри дилингиз очилади.

Бу каби хайрли ишлар кўламини янада кенгайтириш, самарадорлигини ошириш ишларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи қатнашчилари мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган йилда 20 тупдан кўчат экиш ташаббуси билан чиқиб, бугунги кунда кўзга кўринарли натижаларни қўлга киритмоқдалар.

— Бу борада амалга оширилаётган ишлар юртимизда боғ-роғларнинг кўпайишига, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада кучайтириш, бу орқали, айниқса, ёшлар онгида ватанпарварлик, бунёдкорлик, табиатга меҳр-муҳаббат туйғуларини оширишга хизмат қилишига шубҳа йўқ, — дейди ушбу ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида ташкил этилган штаб раҳбари, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабоев. — Шунингдек, бу эзгу ва хайрли ишлар натижасида элимиз дастурхони тўкинлиги, атроф-муҳит ҳавосининг экологик жиҳатдан тозалиги таъминланишига ҳам ҳисса қўшилади.

Бугунги кунда маҳаллий ҳокимликлар ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари ҳамкорлигида ҳудудларда боғ ва токзорлар барпо этиш юзасидан кўплаб хайри ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятида белгиланган чора-тадбирлар дастурига асосан вилоят корхона ва ташкилотларида фаолият кўрсатаётган 2824 нафар ходим томонидан 62980 дона кўчат экилиши белгиланиб, Боёвут туманида «Таълим ходимлари», Сирдарё туманида «Тиббиёт ходимлари» боғларини ташкил этишга киришилди. Вилоят ҳокимлиги ходимлари томонидан 920 туп, вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан 1100 туп, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими 520 туп, вилоят прокуратураси ходимлари томонидан 500, Адлия бошқармаси ходимлари 760 туп, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ходимлари томонидан 420 туп мевали ва манзарали дарахтлар экиш режалаштирилиб, айни кунларда кўчат ўтказиш ишлари қизғин давом этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда 4929 гектар боғ майдони орасини ҳайдаш, суғориш, маҳаллий ўғит солиш, ҳашаротларга қарши дорилаш ва дарахтларга шакл бериш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунгача вилоят ҳудудларида яшовчи аҳоли томонидан 76700 туп олма, 12700 туп нок, 39600 туп гилос, 70200 туп ўрик, 50100 туп олхўри ва 183400 туп бошқа мевали дарахтлар, 33800 туп ток, манзарали дарахтлардан эса 43400 та арча, 208900 та терак, 149300 туп бошқа турдаги дарахт кўчатлари ўтказилди.

Самарқанд вилоятида ҳам ишлар қизғин. Чунончи, вилоятда 25 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳудудига 2670 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш учун майдонларни тайёрлаш ва ниҳоллар ўтказиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятида бугунгача 285 минг туп мевали ва манзарали дарахтларнинг кўчат ва қаламчалари, ток новдалари экилишига эришилди. Вилоятнинг Юқори Чирчиқ туманида 1233 гектар боғ орасига ишлов берилиб, маҳаллий ўғит билан суғориш, ҳашаротларга қарши ишлов бериш ишлари ўтказилди.

Бўстонлиқ туманида эса турли мулк шаклидаги барча корхона ва ташкилотлар томонидан 732 гектар майдонда янги боғлар ташкил этишга киришилиб, айни кунгача туманда 300 гектардан зиёд боғ ташкил этилди. Вилоятнинг Пскент, Чиноз, Оққўрғон, Оҳангарон, Қибрай каби туманларида ҳам ушбу йўналишдаги ишлар қизғин бормоқда.

Республикамизнинг Жиззах вилоятида ободонлаштириш, кўчатлар экиш, янги боғ ва токзорларни барпо этиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, 2 миллион 700 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт, ток кўчатлари ва қаламчалар экилди.

Хоразм вилоятида ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан режа тадбирлари асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мевали дарахтларни йўл бўйларига, таълим муассасалари ва аҳоли томорқаларига, манзарали кўчатларни ариқ ва зовурлар четига экиш ишлари олиб борилмоқда. Шу кунгача вилоят бўйича 960 минг дона кўчат ва қаламчалар экилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари фаоллари экилган ниҳолларнинг унибўсишини, барпо этилган боғ-роғлар ва токзорларнинг келажакда тўла парвариш қилинишини назоратга олади.

Сирасини айтганда, Республикамизнинг барча вилоятларида касаба уюшмалари фаоллари ушбу ташаббуси катта хайрихоҳлик билан кутиб олиниб, бу эзгу иш кенг қулоч ёймоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
ЎзКУФК матбуот котиби

Корхона иш бошлади

Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Жиззах-Кўҳинур» хусусий фирмаси «Қишлоққурилишбанк»нинг Жиззах вилояти бўлими кўмагида пиллани қайта ишлаш корхонасини ишга туширди.

«Жиззах-Кўҳинур» хусусий фирмаси Жиззах вилояти иқтисодиёти ривожига салмоқли улуш қўшиб келаётган тадбиркорлик субъектларидан биридир. Мазкур фирма таркибида 2010 йилда шифер ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ташкил этилди.

2010 йилда фирма иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича республика Давлат дастурига киритилгач, ишлаб чиқаришни яна кенгайтириш имконияти яратилди. Жиззах шаҳридаги собиқ троллейбус паркининг фойдаланилмай турган биноси реконструкция қилиниб, замонавий технология асосида йилига 350-400 тонна пиллани қайта ишлаб, ипак ип тайёрлайдиган корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Бизнинг интервю

Эзгу ниятлар амалга ошади

Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Азим Латипов билан суҳбат

— 2010 йил жамоангиз фаолиятида қандай из қолдирди?

— Хўжалигимиз чўл ҳудудида жойлашган. Экин майдонларимиз қумли-шағалли, кўзланган ҳосилни олиш учун бошқа ҳудудларга нисбатан 4-5 марта кўп сув талаб қилинади. Шунга қарамай, 1680 тонна дон етиштиришга муваффақ бўлдик. Давлатга 1103 тонна ғалла сотган бўлсак, унинг асосий қисмини уруғлик ҳосил ташкил этади. Олинган даромаднинг 100 миллион сўми фойдадан иборат. Пахтачиликда 151 гектар майдондан 433 тонналик хирмон яратилиб, соф фойдамиз 50 миллион сўмдан ошди. Ғаллачиликда рентабеллик 26 фоиз, пахтачиликда 30 фоизга етди. Шунингдек, полиз, мева-сабзавотчиликда ҳам кутилганидан зиёд ҳосил етиштирилди.

Хўжалигимиз барча турдаги техника ва механизмларга эга. 80 нафар аъзомизнинг ҳар бирини ўз касбининг моҳир устаси, ғайратшижоати жўш урган инсонлар дейиш мумкин. Улар учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, етарли, қулай шарт-шароитлар яратиш, меҳнатига яраша рағбатлантиришни талаб даражасида ташкил этганимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

— Жорий йилдаги режаларингиз?

— Асосий эътиборни Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир» деб номланган маърузаларида белгиланган устувор йўналишларни амалга оширишга қаратганмиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ҳам ҳар биримизга улкан масъулият юклайди. Хусусан, ана шу вазифалардан келиб чиқиб, биринчи навбатда деҳқончилик маданиятини янада ошириш баробарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш чораларини кўрганмиз. Зотли қорамоллар сони ва маҳсулдорлигини оширмоқчимиз. Яна 2 гектар қўшимча мевали боғ ташкил этилади. Шу тариқа 20 та иш ўрни яратилади. Юртимиз ободончилигига катта ҳисса қўшилади.

Аъзоларимиз саломатлигини муҳофаза қилишга эътибор янада кучайтирилади. Улар хўжалик маблағи ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилади. Ўтган йил 8 киши «Иссиқ сув» шифохонасида бепул саломатлигини тиклаган бўлса, жорий йил улар сони 20 нафарга етади. Шунингдек, тарихий шаҳарлар, ва сўлим гўшаларга саёҳатлар уюштирилади. Уй-жой қураётган, тўй қиладиган, фарзандларини ўқитаётганлар, шунингдек, эҳтиёжманд оилалар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Айтгандай, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги туманимизда жойлашган «Мингчинор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи учун боқилаётган паррандаларга 500 килограмм бепул дон беришга қарор қилинди.

— «Ishonch» газетаси ихлосмандларига тилакларингиз.

— Аввало ўзим «Ishonch»нинг ашаддий мухлисиман. Унинг ҳар бир сонини сабрсизлик билан кутаман. Кейинги йилларда газета саҳифаларида босилаётган сермазмун, қизиқарли материаллар салмоғи тобора ошиб боряпти. Улар нафақат мени балки, жамоамизнинг ҳар бир аъзосини мамнун этмоқда. Кеча газетанинг янги сонини олдик. Адади 21 минг нусхага етганини кўриб хурсанд бўлдик. Демак, «Ishonch» ўқувчилари янада кўпайибди. Бу — катта ютуқ. Шу муносабат билан янги йилда таҳририят ходимларига сиҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик тилайман. Севимли газетамизнинг мавқеи янада баланд бўлаверсин!

«Ishonch» мухбири Иззатулла ҲОЖИЕВ суҳбатлашди

Хоразм томонларда

Шийпондаги ёрдамчи хўжалик

Ўтган йили пахта ва ғаллачилик бўйича баракали хирмон уйиб, юқори самарадорликка эришган Қўшкўпир туманидаги Фарҳод Раҳимов бошлиқ «Мадад» фермер хўжалиги жамоаси ёрдамчи соҳаларни ҳам жадал ривожлантирмоқда. Яқинда 40 бош қорамолга мўлжалланган ферма биноси қуриб битказилди. Қорамоллар 16 бошга, паррандалар 150 тага етказилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида жамоа қорамоллар сонини 40 тага етказиш, паррандалар сонини икки баробар кўпайтиришни мўлжалламоқда.

Фермернинг дон комбайни

Ҳазорасп туманидаги Руслан Абдуллаев бошлиқ «Алишер» фермер хўжалигининг машина-трактор парки яна бир техника билан бойиди. Фермер яқинда «Красноярск» русумли комбайн сотиб олди. «Миллий банк»нинг кредити асосида харид қилган ана шу қудратли машина туфайли мулкдор тасарруфидаги техника сони ўнтага етди. Бу эса фермерга ҳосил учун курашнинг турли босқичларидаги агротехник тадбирларни тез ва соз уддалаш, пахта ва ғаллани йиғиштириб олиш, зарур пайтда қўшни хўжаликларга ҳам мадад кўрсатиш имконини яратмоқда.

Р.ОЛИМОВ

Янги уй шодиёналари

Боғот тумани Хўжалик қишлоғида жойлашган 7-мактабда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлайман. Давр тақозоси билан янги уйга эҳтиёж сезгач, қишлоғимизда қурилаётган иморатларга буюртма бердик. Мустақилликнинг 19 йиллиги арафасида замонавий лойиҳалар асосида қурилган уйимизга кўчиб кирдик. Тўрт ойдирки, шу ерда яшаяпмиз. Хонадонимиз файзли, шинам, дидимизга мос.

Ҳозир фарзанд тарбияси билан машғулман. Фарзандим Фозилбек уч ойлик бўляпти. Унинг хонаси болаларга хос қилиб жиҳозланган. Мени қувонтирадиган яна бир жиҳат, уйнинг пулини аста-секин тўлаб бораяпмиз.

Уйнинг биринчи қаватида каттагина меҳмонхона, ошхона, ҳаммом, иккинчи қаватида болалар хонасидан ташқари, яна иккита хона бор. Маҳалламизга «Янги ҳаёт» деб ном берилган. Намунавий лойиҳа асосида қад ростлаган уйлар жойлашган кўча эса «Буюк келажак» деб номланди. Мамлакатимизнинг буюк келажагига кафолат бераётгандек салобат тўкиб турган уйларнинг муҳташамлиги кўнглимизни янада равшан қилади.

Замира ЭГАМОВА, Хоразм вилояти

Излаган имкон топар

Озода Болтаева — Урганч Давлат университетининг иқтисодиёт факултети иккинчи босқич талабаси. Тадбиркорликка ҳам иштиёқи баланд. Бўш пайтларида якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланади. Зардўзлик борасидаги ишлари билан эл-юртга танилмоқда. Пойтахтда бўлиб ўтган «Қўли гулдир ўзбек аёлин», Хива шаҳрида ўтказилган «Асрлар садоси» каби кўрик-танлов, фестивалларда ўзи ижод қилган совға буюмлари билан қатнашиб, эътироф ва эътиборга сазовор бўлди.

Ташқарида қиш, ичкарида баҳор

Шовот туманида тадбиркор Санобархон Отажоновани қўли гул аёл дейишлари бежиз эмас. У турфа гуллар етиштиради. Ҳатто қирчиллама қиш кунларида ҳам иссиқхонада етиштирган гуллари билан хонадонларга файз, дилларга қувонч улашади.

— Гулчилик — жону дилим, — дейди Санобар. — Ҳаётимизнинг ҳар бир куни гулдай гўзал бўлишини орзу қиламан.

Тадбиркор аёл келажакда иссиқхонани кенгайтириб, цитрус мевалари етиштиришни мақсад қилган.

С. АБДУЛЛАЕВ

Ўқув-семинар

ЎзКУФК ўқув марказида Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги туман кенгаши раисларининг ўқув-машғулотлари бўлиб ўтди.

Тажриба алмашинуви

Унда иштирокчилар «Касаба уюшмаларида ишни режалаштириш, ҳужжатлар билан ишлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш», «Халқаро терроризм ва экстремизм мафкурасининг зарари, тинчлик ва фаровонликка таҳдиди», «Меҳнат муҳофазаси ҳақида миллий ва халқаро конвенциялар ҳамда қонун ҳужжатлари» сингари долзарб мавзуларда малакали мутахассислар маърузаларини тинглашди.

Улар шунингдек, «Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги роли» мавзусида «Ishonch» ва « Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири А.Абдураззоқов билан мулоқот ўтказишди.

— Сўнгги пайтларда газета ҳар жиҳатдан бизга манзур бўлаётир, — деди Андижон вилояти Олтинкўл тумани АСМ кенгаши раиси Раҳбарой Дадабоева. — Биз «Ishonch» газетасига фаолиятимиз жараёнида зарур қўлланма сифатида қараймиз. Айниқса, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, касаба уюшма ташкилотларининг илғор иш тажрибалари кўплаб ёритилаётгани қувонарлидир. Бундан ташқари, ҳар бир уй бекаси билиши лозим бўлган пазандалик сирлари тўғрисидаги тавсиялар сони кўпайса айни муддао бўлар эди.

Касаба уюшма фаоллари бир ҳафталик ўқув жараёнида пойтахтимиздаги бошланғич ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишишди.

Ўз мухбиримиз. Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

«Йилнинг энг фаол журналисти – 2010»

танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ҳаётимиз китобидан яна бир саҳифа ортда қолди. 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва касбга эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва саъй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1 июнидан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. E-mail: ijod@sarkor.uz

Етакчи минбари

Вилоятимиздаги 51 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида юзлаб йигит-қизлар таълим-тарбия олмоқда. Ёшларимиз керакли билим ва тажрибани эгаллагач, юрт фаровонлиги ва равнақига ҳисса қўшишни дилга тугишган. Шуни назарда тутган ҳолда барча имкониятларимизни йигит-қизларимизнинг ҳар томонлама камол топишлари йўлида сарфламоқдамиз.

Интилганга толе ёр

Касб-ҳунар коллежларининг барчасида касаба уюшма қўмитаси учун алоҳида хоналар ажратилган бўлиб, фидойи етакчилар ўқитувчи ва касб усталарининг ўз вақтида дам олишлари, саломатликларини тиклашлари йўлида доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Иқтидорли, ташаббускор кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамиша моддий қўллаб-қувватланади. Конституция куни муносабати билан анъанага содиқ қолган ҳолда бир гуруҳ ўқувчиларга саховат ёрдами кўрсатилди.

Бахтимиз қомусини ёшлар онгига чуқур сингдириш орқали, уларда эртанги кунга ишонч ҳиссини янада ошириб бормоқдамиз. «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловида вилоятнинг барча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей жамоалари фаол иштирок этишди. Танлов талабларига киритилган шартлар бевосита ёшларнинг қонунга бўлган ҳурмат ва эътиқодларини ошириш, улар тафаккури, дунёқараши, Ватанга муҳаббатларини янада таъсирчан манбалар асосида шакллантиришга қаратилди. Танлов якунига кўра, биринчи ўринга Навоий ДПИ ҳузуридаги Навоий компютер ва ахборот технологиялари академик лицейи жамоаси сазовор бўлди. 2-ўрин Қизилтепа қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ва 3-ўрин Навоий маданият ва санъат коллежи жамоаларига насиб этди.

Ахрор РАҲМАТОВ, Навоий вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Миннатдорлик

Эл хизматида

Тўрт-беш йил олдин қишлоққа борганимда, Исмоил ака ўғли орқали кечга уйига чақиртирди. Элда обрў-эътиборга эга шифокор, қолаверса, ёши мендан анча катта бўлган инсоннинг меҳмонга таклиф қилиши бироз ноқулай аҳволга солди.

Ўша кеч Исмоил акани сўраб келувчилар кўплигига гувоҳ бўлдим. Шифокорнинг уларни очиқ юз ва ширин сўз билан қарши олиши, тиббий кўмакка муҳтож беморларга беғараз ва холис ёрдам бераётганлигини кузатиб, бунинг сабабини тушунгандек бўлдим.

Беморни кузатиб қўйиш учун Исмоил ака ташқарига чиққанида стол устида тахланиб турган нашрларни варақлаб ўтириб, газета орасидаги «Тавсифнома»га кўзим тушди. Унда Исмоил Муродовнинг моҳир шифокорлиги, ўз ишига талабчанлик ва масъулият билан ёндашиши ҳамда инсоний фазилатлари таърифланиб, Қамаши тумани тиббиёт бирлашмаси мудири ўринбосари лавозимига номзоди таклиф қилинган эди. 1988 йилда ҳозирги Тошкент тиббиёт-педиатрия институтини тамомлаб, болалар жарроҳи сифатида фаолият кўрсатиб келаётган И.Муродовнинг хизматига берилган баҳо эди бу.

Кеч бўлиб қолганлиги учун мезбондан изн сўраб уйга қайтмоқчи бўлиб турганимда, ташқаридан бировнинг чақирган овози эшитилди. Дарвоза ёнида бир йигит кутиб турган экан. У иситмалаб ётган ёш боласини уйига боришни кўриб қўйишини илтимос қилиб:

— Узр, шундай бўлиб қолди, безовта қилдим, — деди. Исмоил ака эса:

— Ҳеч безовталиги йўқ. Шифокорман, касалга тиббий ёрдам бериш, дардига шифо топиш бурчим. Уйингиз қаерда? — дея уни хижолатдан чиқарди.

— Идорадан ўтгач, иккинчи кўчанинг охиридаги уй.

Билдимки, шифокор борадиган жой қишлоқнинг нариги четида. Қишнинг совуқ ва ярим тунида Исмоил ака бемор кўргани кетди, мен эса уйимга қайтдим...

Ўшанда И.Муродов туман тиббиёт бирлашмаси мудири ўринбосари вазифасида икки-уч йил меҳнат қилиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида самарали фаолият кўрсатди.

Анча вақтдан кейин яна қишлоққа йўлим тушиб, Исмоил аканинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш, қолаверса, онаси Норбуви момони зиёрат қилиш истагида хонадонига бордим. У ёқ-бу ёқдан анча гаплашиб ўтирдик. Уйга қайтиш олдидан Исмоил акага қабзият безовта қилишини айтдим.

Шунда у бироз ўйланиб туриб:

— Бу касаллик бошқа жуда кўплаб хасталикларни келтириб чиқаради. Унинг олдини олиш керак. Келингчи, бир кузатувдан ўтказиб кўяй, осмонга қараб ётинг.

Қўлимни ушлаб, ошқозоничак атрофларини қўллари билан босиб кўрди-да, аҳволим ҳақида маълумот бера кетди:

— Совуқ мижозли кишилар тоифасига кирасиз. Бод касаллигингиз ҳам борга ўхшайди. Бу эса буйракнинг шамоллашига олиб келади. Ичак, буйрак ва жигар аъзоларингиз ўз вазифасини тўлиқ бажармаяпти. Бунга овқатни яхши ҳазм қилолмаслигингиз халақит бермоқда...

Ўшанда шифокор айтган қуйидаги фикрлар миямга ўрнашиб қолган: «Барча касалликларнинг шифосини соғлом турмуш тарзидан қидириш лозим. Бу нима дегани? Ҳар куни қуёш чиқмасдан туриб енгил югуриш, доимий ҳаракатда бўлиш, мириқиб ухлаш, вақти-вақти билан ҳаммом қабул қилиш, оз-оздан овқатланиш ва табиий неъматларга бой овқатларни истеъмол қилиш, кўпроқ тоза ҳавода пиёда сайр қилиш, мухтасар қилиб айтганда, меъёрга қатъий амал қилиш керак».

Тиббий кўрик натижаларисиз аъзоларимдаги ҳамма оғриқларни, безовта қилиб келаётган хасталикларни батафсил айтиб берар экан, Исмоил аканинг ўз касбини чуқур эгаллаганига яна бир бор амин бўлдим.

Холис ва беминнат хизматлари билан одамларнинг дардига дармон бўлаётган Исмоил Муродов сингари шифокорларга қарата «Қўлингиз дард кўрмасин!» дегим келади...

Шавкат ҲАЙИТМУРОД ўғли

Акбар одатдагидек тонг ёришмасдан қассобхонасига келди. Хонани шамолатиб, пичоқларни чархлади. Отасидан қолган калта сопли болта билан гўштни нимталаб, қанорага илиб чиқди. Ортганини музхонага қўйди. Уч-тўрт мижозга гўшт сотди.

Тасодиф

Бир пиёла чой ичиб, дам олишга чоғланганида, маҳалла посбони Сардор баланд бўйли, ёшгина милиционер билан келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашишгач, савдо билан қизиқишди. Лекин уларнинг гўшт олишга шошилмагани Акбарни ҳайрон қолдирди. «Булар тўй ёки маъракага буюртма беришмоқчи шекилли! Балки Раҳима жанжал арз қилдимикин?» Тунов куни унга бир килодан ошириб берса ҳам, «тарозинг нотўғри», деб тоза асабига теккан эди. Яхшиямки, Эркин оқсоқол: «Раҳима, қизим, туҳмат гуноҳ, бўлмағур гапларни айтиб, қассоб дилини сиёҳ қилманг», деб жонига оро кирди.

Бунга жавобан Раҳима жанжал:

— Сенларнинг тилинг бир, борадиган жойимга бораман, шошмай турларинг. Ҳали мени билмабсанлар, — деб анча жавраганди.

Ахир биларди-ку, Раҳима жанжалга на совуқ, на иссиқ ёқишини, уришмаган одами қолмади-ю, бу дунёда! Шу ўйларда турганида Сардор деди:

— Касалхонага бир бориб келсак.

— Нега?

— Тезроқ дўконни ёпинг, — дея милиционер гапга қўшилди.

— Нима гап ўзи, тушунтириб айтинглар, дўконни нега ёпаман?

Сардор милиционерга бир қаради-да, Акбарга аста деди:

— Энди, ака, қувончу ташвиш ҳамроҳ эканини сизга айтмасам ҳам яхши биласиз. Ўзингизни қўлга олинг. Келинойимни машина сал туртиб кетибди.

Машинага чиқиб, реанимация хонасига бориш Акбарга худди тушдек туюлди. Лекин шифокорлар уни «аёлингиз ўзига келгач кўрарсиз», деб реанимация хонасига киритишмади.

Хаёлнинг учқур оти уни умр сўқмоқлари сари етаклаб, рафиқаси билан ўтказган йилларни эслатди. Турмуш қуришганига ҳадемай йигирма йил бўлади. Икки ўғил, бир қиз кўришди. Хотини оғзидан чиққанни ёқасига ёпиштирадиганлар тоифасидан эмас. Ҳақ бўлсаям, айтганингиз тўғри, деб тураверади, бояқиш. Шундай пайтда Акбар: «Бунчаям содда бўлмасанг, бунақада оғзингдагини олдириб қўясан», деб тутақади.

Ўзи эса, рафиқасининг тамоман акси. Ноҳақ бўлса ҳам ҳақман, деб туриб олади. Айбини хотинига билдирмайди, билдиргудек бўлса, назарида обрўйи бир пул бўлади.

Раъно — бошланғич синф ўқитувчиси. Уйим-жойим деб, ҳеч бўш ўтирмайди. Бўш қолди дегунча, мол-ҳолга қарайди, иссиқхонадаги экинларни парвариш қилади. Дарсигача бозор-ўчар ҳам қилиб келади. Шифокор дўсти Нодир Акбарга бир неча марта «Аёлингнинг меҳнаткашлиги яхши, лекин сен пул топаяпти деб бепарво бўлма. Даволатиб юрмасанг, топгани дорисигаям етмай қолиши мумкин», деб тайинлади.

У нима қилди? Қаратаман, дейишдан нарига ўтмади. Шуларни хаёлидан ўтказган Акбар ўзига-ўзи деди: «Нега дўстим сўзига кирмадим? Хотиним бечора рўзғор, бозор деб, очинми-тўқин юриб, тинка-мадори қуриганидан кўчадан тез ўтолмай машина тагида қолган-да!

Ўл-а, қуримсоқ! Етиб келган жойингни қара-я? Уйни икки қаватли қиламан, «Тико»ни «Ласетти»га алмаштираман, бассейн қураман, дейишга бало бормиди? Аҳмоқман, ўлгудек хасисман. Қачон ақлим киради? Албатта пешонам деворга тақ этиб, урилиши шартмиди? Ахир, Раънони дўхтирга қаратишга пулим ҳам, вақтим ҳам бор эди-ку!»

Бирдан қон босими кўтарилди, шифокорлар унга кетма-кет укол қилиб, дори беришди. Чамаси, бир соатдан сўнг ўзига келгач, шифокорга:

— Ука, истаганингизни берай, хотинимни асраб қолинг, — деди.

Шифокор унинг елкасига қўлини қўйди-да:

— Бардам бўлинг, акахон. Худойим шифосини берса, кўрмагандек бўлиб кетади. Ҳа, айтмоқчи, расмийлаштириш учун келинойимнинг паспорти керак, — деди.

— Ҳа, паспорти уйда бўлиши керак.

— Унда уйингизга ўтиб келақолайлик, — деди милиционер.

...Дарвозани очган Акбар ҳовли супураётган хотинини кўриб, кўзларига ишонмади. Тушимми-ўнгимми дегандек, бир милиционерга, бир Сардорга қаради. Яқинроқ келиб, ўнги эканини фаҳмлади.

— Ия, келинойим-ку! — деб юборди Сардор.

— Раъно!

Эрининг овозини эшитган хотини супургини ерга қўйди. Йўлдаги пақирни четга олди-да, рўмолини тузатди. Салом бериб, уларга яқинлашгач, эрига деди:

— Вой ўлмасам, нима гуноҳ қилдингиз?

Милиционер қассобнинг хотини уйдалигини билиб, қовун туширганини англади.

— Хотинжон, илоё, бошинг омон бўлсин. Шундай синовни менга раво кўрган Худойимдан ўргилай.

Эрининг одатда уйга ичиб, ёқавайрон келишига кўниккан Раъно ажабланди.

— Сизга нима бўлди, хўжайин? Тузукмисиз?

— Яратганга минг бор шукур, болаларим онасини боши тошдан бўлгани чин бўлсин.

— Хўжайин, бирон-бир жойингиз оғриётган бўлса айтинг, дўхтир чақирайми?

— Керакмас, — Акбар шундай деганича ерга ўтириб олди.

— Ия, туринг ўрнингиздан, қани меҳмонлар, сўрига чиқинглар.

— Мен аҳмоқни кечир, хотин, кечир.

— Нега, нима учун?

Раъно таажжуб билан Сардорга қаради. Милиционер қора сумкасидан бир дафтар олиб, унга узатди.

— Дарс режам сизда нима қилади? — деди Раъно. — Муҳайё дугонам кўчиришга олганди-ку!

— Англашилмовчилик бўлибди, шифохонадаги Муҳайё опа экан-да! Қарамаганимизни қаранг-а!

Сардор Раънога воқеа тафсилотини тушунтирди. Милиционер эса: «Узр, кечирасизлар» дея қўлини кўксига қўйганича теварак-атрофга аланглади...

Холхўжа МИРЗАЕВ

Хушхабар

Ҳамкорлик

Олмон-Ўзбек илмий жамияти ташаббуси билан 2010 йилда Германиянинг Фрайбург университетида «AVICENNA. Science and Education in and about Uzbekistan» (Ўзбекистонда фан ва таълим) илмий журнали чоп этила бошланди.



Нашрнинг асосий мақсади Ўзбекистон илм-фанининг жаҳон фани билан уйғунлашувига бевосита хизмат қилиш, шунингдек, ёш олимларимизнинг изланишлари натижаларини дунё аҳлига танитишдан иборат.

Буюк алломамиз Абу Али ибн Синонинг номи билан инглиз ва олмон тилларида босилаётган ушбу нашр ютуқларимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътирофи ифодаси ҳамдир.

Журналнинг навбатдаги сонларида ҳар икки мамлакат олимларининг илмий тадқиқот натижалари, Ўзбекистон ҳамда Германияда ўтказилаётган халқаро конференция, семинар ва бошқа тадбирлар материаллари ёритиб борилади.

Нашрнинг бош муҳаррирлари Фрайбург университети тиббиёт факултети декани профессор Ҳуберт Блум ҳамда Олмон-Ўзбек илмий жамияти президенти, профессор Ҳуррам Раҳимовдир.

Журналнинг электрон манзили: churram@mail.ru

Нозима РАҲИМОВА, «Ishonch» мухбири

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

Эрталабдан кўпчилик иш ва ўқишга отланади. Шу боис бу вақтда йўллар ҳар қачонгидан тирбанд бўлади. Бундай вазиятларда шошиб турган кишига бир дақиқа гўё бир ойдек туюлади. Бугун бир-биридан равон пойтахт кўчаларида турфа автомашиналар, замонавий кўринишга эга жамоат транспортлари эл хизматида.

Ҳушёрлик — хотиржамлик демак

Йўллардаги хавфсизликни таъминлаш эса тегишли ташкилот мутасаддиларидан ташқари, ўзимизга ҳам боғлиқ эканлиги содир бўлаётган турли ноҳуш манзараларда намоён бўлмоқда.

Баъзан дуч келган жойда тўхтаб, йўл ҳақини бемалол йўловчи билан келишиб турган айрим киракашлар кўпчиликка ноқулайлик туғдиради. Жамоат транспортлари ҳаракатига шу тариқа халақит бериш эрта тонгданоқ таъбни тирриқ қилади. Ахир, ўн-ўн икки метрли жамоат транспорти ва унинг ичидаги йўловчиларни, қолаверса, атрофдаги бошқа транспортларни эҳтиётлаб ҳаракатланишнинг ўзи бўладими? Айниқса, қорли-қировли кунларда, сирпанчиқ йўлларда машина тугул одамлар ҳам эҳтиёткорлик билан юришади. Бундай паллада...

— Яқинда йўловчи машиналардан бирига ўтиргандим, — дейди Дилфуза исмли аёл: — Йўл бошида турган яна бир мижозни қўлдан чиқармаслик, орқадаги машинадан олдин унга етиб бориш учун ҳайдовчи вақтинчалик ўтиш тақиқланган темир йўлдан ғизиллаганча ўтиб кетди. Унинг бундай ҳаракатидан қўрқувга тушдим. Эътироз билдирсам, «Нима қилибди, барибир поезд келгунча ўтиб кетдик-ку?», дейди хотиржамлик билан. Кўза кунда эмас, кунида синади. Афсуски, ҳозир ўпкасини қўлтиқлаб юрадиган ҳайдовчилар кўп.

* * *

Таъкидлаш жоиз, бугун пойтахтимиз кўчаларида йўловчи транспортларнинг эркин ҳаракатланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар қадамда қўйилган йўл белгилари кишини янада ҳушёр ва сергак бўлишга ундайди. Қоидабузарларга нисбатан чора қўллаш ишлари ҳар қачонгига нисбатан «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»да янада кучайтирилди.

— Ойлик юзасидан давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан йўллардаги ҳолатни назорат қилиш, аҳоли ўртасида профилактика тадбирларини янада кучайтириш юзасидан қатор ишлар қилинмоқда, — дейди республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи, подполковник Анвар Сулаймонхўжаев. — Йўллардаги автомашиналар ҳаракатини назоратга олиш учун тўхташ жойларига, бекатларга жамоат транспортидан бошқа автоуловларнинг тўхташи ман этилганини билдирувчи сариқ чизиқлар қўйилди. Аҳолининг ҳаракат хавфсизлигига оид билимларини ошириш мақсадида маҳалла, корхона ва кишилар гавжум масканларда давра суҳбатлари, учрашув ва жонли мулоқотлар уюштирилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Аммо йўл-йўлакай турли автоҳалокатларга дуч келганингизда, воқеа сабабидан кўра, оқибатини кўриб ачинасиз. Кўзи йўлда-ю, хаёли телефонидаги суҳбатда бўлган ҳайдовчиларнинг эътиборсизлиги эса қанча кишининг саломатлиги ва хотиржамлигига раҳна солишини айтсанг, тилинг, айтмасанг, дилинг куяди. Шундай дамларда йўл қоидаси чиндан-да умр фойдаси эканлигига яна бир бор амин бўлади киши.

Наргиза АСАДОВА

Тадбиркорга йўлланма

Олимларнинг фикрича, дунёда энг кўп тарқалган ва яшовчан жонивор сувараклар экан. Назаримда, гарчи жонсиз бўлса-да, энг кўп тарқалган буюм бу баклашка ва елим қоғозлар. Бозорга кириб, ўнта нарса харид қилсангиз, ўнта елим қоғозга солиб беришади. Бу, албатта, яхши, гигиена талабларига мос. Уйга бориб, харид қилган маҳсулотларингизни жой-жойига жойлаштирганингиздан сўнг, бу елим халталари ахлат қутисига ташланади. Кейин кўчанинг умумий чиқинди хонасига...

Эҳтиёт бўлинг: Баклашка!

Бу минг-минглаб хонадонларда ҳар кун такрорланадиган одатий ҳолдир. Елим қоғозлар тупроқ эмаски, ерга сингиб кетса, сув эмаски, осмонга учиб кетса. Улар офтоб нурида титилиб, салгина шабада ҳам шатир-шутир юмалаб, тўп-тўп бўлишиб гоҳ ҳовлимизга кириб келади, гоҳ остонамизда пайдо бўлади, йўлимизда, йўлагимизда уюлиб, дилимизни хира қилади.

Баклашкалар-чи? Улар энди пайдо бўлган пайтда кўплар суюнган эди: текин идиш экан деб, ким сув солган, ким сут солган. Энди эса бу елим идишлар шу даражада кўпайиб кетдики, улар инфекция манбаи сифатида инсонлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, табиат мусаффолигига ҳам дахл қилмоқда. Дам олай деб зилол сувли, мусаффо ҳаволи соҳилларга чиқсангиз, сув юзида қалқиб кетаётган баклашкаларга кўзингиз тушиб, дилингиз ғаш бўлади. Аммо сиз ҳам 10 баклашка ичимлик олиб боргансиз ва улар бўшагач, бўш идишларни ўзингиз билан олиб қайтмайсиз...

Яқинда ғалати бир воқеанинг устидан чиқдим. Туман коммунал хўжалиги идорасининг ҳовлисида икки киши ахлатдан йиғиб келинган бир уюм баклашкаларни чала-чулпа чайиб қопларга жойлаштираётган эди.

— Буларни нима қиласизлар? — деб сўрадим улардан.

— Сотамиз...

— Кимга?

— Бозордаги мойчиларга...

Шу ўринда бир мулоҳаза: елим маҳсулотлари саноат учун ҳамиша қайта ишлатилса бўладиган зарур хом ашё ҳисобланиб келинган. Биз-нинг Сурхондарё вилоятида ҳам черепица ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар баклашкалардан хом ашё сифатида анча вақт фойдаланишди. Энди эса фермерлар йиғиб берадиган плёнкалардан фойдаланишмоқда.

Юртимизда куч-қувватга тўлган, қалбида ватанпарварлик ҳисси жўш уриб, ҳам элу юртимизга, ҳам оиламга нафим тегсин деб ёниб, аммо қайси соҳанинг этагидан тутишни билмай юрган қанча йигитлар бор. Бой бўлмоқчимисиз, марҳамат, ҳар қадамда сочилиб ётган баклашка ва елим қоғозларни йиғиштириб, ҳеч бўлмаса, ўйинчоқлар ишлаб чиқарадиган корхона очинг. Ҳам чўнтагингиз пулга тўлади, ҳам атроф-муҳитни тозалаб, савобга қоласиз.

Жамила ЭРГАШЕВА, ёзувчи

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши жамоалари Арнасой туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Отаниёз Мустафоевга синглиси **Нилуфар МУСТАФОЕВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 11-yanvar № 5 (2886)

Болалар спорти ривожланмоқда

Мамлакатимизда қизларни спортга кенг жалб этиш, нафис спорт турларидан бири — бадиий гимнастикани оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтдаги тўрт юздан ортиқ мактабгача таълим муассасасининг уч юзга яқинида гимнастика тўгараклари ташкил қилинган. Машғулотларда тўрт минг нафардан ортиқ қизалоқ спортнинг ушбу тури билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилган.

Суратда: махсус олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби гимнастикачи қизлари.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Янгибозор шаҳар маданият уйида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси, савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси туман вакиллиги ташаббуси билан «Биз ёшлар — иллатларга қаршимиз» мавзуида тадбир ўтказилди.

«Иллатларга қаршимиз»

Унда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг турли ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг берк кўчаларига олиб бориши мумкинлиги ҳақида ёшларга кенг тушунча берилди.

Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ тумани

Тадбир

Яқинда Фарғона вилоят ҳокимининг «Ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари — Увайсий, Муқимий, Хазиний ва Чархий таваллуд айёмларини нишонлаш» тўғрисидаги фармойишига биноан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Қўқон ва Марғилон шаҳарларида адабиёт кунлари бўлиб ўтди.

Фарғонада адабиёт байрами

Байрам муносабати билан пойтахтдан сенатор, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов, филология фанлари номзоди Раҳмон Қўчқор ҳамда қўшни вилоятлардан ижодкорлар ташриф буюришди.

Ҳамза номидаги театр, Учқўприк туманидаги Хазиний уй-музейи, туман транспорт коллежида ташкил этилган ёшлар ва адабиёт ихлосмандлари билан учрашув ва мушоиралар адабиёт байрамига айланиб кетди.

Марғилонда адабиёт кунлари Бурҳониддин Марғиноний мажмуасига ташриф билан давом этди. Меҳмонлар, шунингдек, Жаҳон отин Увайсий қабрини зиёрат қилишди. Шоира уй-музейидаги мушоира қўнгилларга сурур бағишлади. «Жаҳон отин Увайсий» ёш ижодкорлар адабий тўгараги аъзолари шоиранинг ғазалларини немис, француз, япон тиллари таржимасида ўқиб, меҳмонларни хушнуд этишди.

Марафон

Ёшлар — фахримиз

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят ва Тошлоқ туман кенгашлари вилоят ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши билан «Найман» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги транспорт ва қурилиш касб-ҳунар коллежида «Ёшларимиз — фахримиз» марафонини ўтказди.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Президент стипендиантлари, Беруний, Навоий, Улуғбек номидаги Давлат стипендияси совриндорлари, спортнинг турлари бўйича Жаҳон, Осиё, мамлакат чемпионлари, «Янги авлод — 2010» болалар ижодиёти фестивали ғолиблари иштирок этди.

Марафон иштирокчилари тадбир баҳонасида туман ёшлари билан ўзаро фикр алмашишди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Футбол

7 январ куни Қатарнинг Доха шаҳрида старт олган Осиё чемпионатида иштирокни мезбонлар билан куч синашишдан бошлаган Ўзбекистон Миллий терма жамоаси бизга узоқ кутилган ишончли ўйин ва ғалабани туҳфа этди. Айниқса, футболчиларимизнинг ўйинга муносабати барчамизни хурсанд қилди.

Бизнинг кўчада байрам

Дохадаги лиқ тўлган «Халифа» стадионида мухлислардан ташқари кўплаб футбол мутахассислари, хусусан, ФИФА президенти Зеп Блаттер ҳам ўйинни қизиқиш билан кузатиб борди.

Учрашувни йигитларимиз яхши темпда бошлашди ва кетма-кет ажойиб ҳужумлар уюштиришди. Узоқ масофага тўп узатишлар ва майдонни кўра билиш — керакли ўйинчига керакли вақтда тўп оширишлар жамоамизда яхши шаклланганига гувоҳ бўлдик.

Ўйиннинг илк дақиқаларидаёқ ўнг қанотдан жамоа сардори Сервер Жепаров узатган тўпга жарима майдончасида эгалик қилган Александр Гейнрих кучли зарба берди. Афсуски, тўп дарвоза тўсинига тегиб, майдонни тарк этди.

Кейинроқ эса қарши ҳужумда яна Гейнрихга тўп етказиб берилди. Александр бироз олдинга борди ва ҳимоячи унга етиб олаётганини кўргач, тўпни чап қанотдан ҳужумга ташланган Жасур Ҳасановга узатди. Аммо Қатар дарвозабони Қосим Бурҳон вазиятни яхши баҳолади ҳамда Ҳасановнинг зарбасини бартараф этди.

Биринчи бўлимнинг ўттиз дақиқалари тўлиқ бизнинг устунлигимизда ўтди, десак янглишмаган бўламиз. Тўп узатишлар, ҳужумда ва ҳимояда биргаликда ҳаракат қилиш, нафақат қанотлардан балки марказдан ҳам ажойиб ҳужумлар ташкил қилишни вакилларимиз яхши ўзлаштиришгани билиниб турди. Қисқаси, жамоа яхши шакллантирилган. Ҳатто Одил Аҳмедовни сўнгги ҳимоячи ролида кўришни истамаган бўлсак-да, у бу чизиқда ҳам бемалол ўйнай олишини намойиш этди.

Биринчи бўлим охирларига келиб қатарлик футболчилар ҳам жамоамизни чўчитадиган вазиятларни юзага келтиришди. Себастян Сориянинг яхши ўйланган жарима тўпи жуда хавфли чиқди, аммо бахтимизга тўп дарвоза устунига тегиб майдонни тарк этди. Шу тариқа биринчи бўлим ниҳоясига етди.

Иккинчи бўлимда ўз уйида ҳаракат қилаётган Қатар мазмунлироқ ўйин кўрсата бошлади ҳамда юртдошларимизни ҳимояланишга мажбур қилди. Бир неча вазиятларда гоҳ Игнатий, гоҳ ҳимоячилар ҳужумларни бартараф этишди. Айниқса, Саҳоб Жўраев жонбозлик кўрсатиб, бўш қолган дарвоза томон йўл олган тўпни сакраганича тепиб юборди ва йиқилаётиб оёғидан жароҳат олди. Терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов унинг ўрнига Станислав Андреевни туширишга мажбур бўлди.

58-дақиқада ҳужумга кўмаклашиш учун етиб келган Одил Аҳмедов 35 метрлар масофадан дарвозанинг юқори ўнг бурчагига яшин тезлигида зарба берди ва дарвозабон Қосим Бурҳонга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Тўп дарвоза устунига теккан ҳолда дарвоза тўридан жой эгаллади. Бу мусобақанинг илк голи эди ва энг яхши голлардан бири бўлишига ишончимиз комил.

Голдан руҳланган ҳамюртларимизнинг шижоат ва ҳужумлари янада ошди. Ўта хавфли вазиятлар юзага келди. Қатарликларнинг ҳужумлари ҳам хавфли кўриниш ола бошлаётган бир паллада рақиб ҳимоячиси шеригига тўп узатаман деб, уни Жепаровга «совға қилди». Сардоримиз эса «совға»дан воз кечадиганлардан эмас: иккинчи гол (77-дақиқа).

Икки тўп фарқи билан олдинда бораётган йигитларимиз ишончли ўйин кўрсатишди ва шу ҳисоб учрашув охиригача сақланиб қолди.

Терма жамоамиз навбатдаги учрашувни **12 январда** (ўйин **18:15** да бошланади) Қувайт терма жамоасига қарши ўтказади.

Умид қиламизки, жамоамиз кейинги учрашувларда бундан-да яхши ўйинлари билан ишқибозларни хушнуд этишади. Биз эса уларга омад тилаган ҳолда яхши ниятлар билан ғалабаларга умид қиламиз.

Ўз мухбиримиз

Маслаҳат

Тўкин дастурхонимизни нонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хилма-хил шаклдаги нонлар нафақат таъми, ўзига хос бўйи билан бир-биридан фарқланади. Эътиборингизга уй шароитида тайёрланиши мумкин бўлган нонларнинг бир неча турини ҳавола қиламиз.

Ўзбегим нонлари

Гўштли нон

1 кг. ун, 2 стакан сув, 2 чой қошиқда туз, 40 г. хамиртуруш солиб, хамир қорилади. Хамир ошгач, қалинлиги 1,5-2 см. қилиб қўлда ёйилади. Унга майда қилиб тўғралган 200 г. гўшт, 1 бош қизил қалампир ва таъбга қараб туз аралаштирилган қийма солинади. Хамирнинг бир чеккасидан буклаб рулет қилиб ўралади. Рулетни тахта устига қўйиб, икки қўл билан икки учидан ушлаган ҳолда ўнг қўлни олдинга, чап қўлни эса ўзимизга тортиб буралади. Шунда қийма хамирга яхши аралашади. Шу тарзда тайёрланган хамирдан 150-200 г. ли зувалалар кесиб олиниб, нон ясалади. Юзига чакич урилгач, четлари пичоқ ёрдамида кесиб чиқилади, сўнгра пишириб олинади.

Зоғора нон

1 кг. маккажўхори уни, 2 стакан сув, 25 г. хамиртуруш, 200 г. ошқовоқ, 2 чой қошиқда туз солиниб, хамир қорилади. Хамир ошгач, 200 г.ли зувалалар ясалади. Уларнинг чети 1 см. ўртаси эса 3-4 см. келадиган зуваласимон нон ясалади. Ҳар бир зоғора нон ўртасининг чуқурлиги 2 см.ча келадиган қилиб кўрсаткич бармоқ билан бир марта чекиб, тандир ёки газ духовкасида қизаргунча пиширилади.

Патир

1 стакан илиқ сутда 2 чой қошиқда туз ва 40 г. хамиртурушни эритганимиздан кейин унга 150 г. эритилган қўй ёғи ёки сариёғ қўшиб хамир қорилади. Хамир ошгандан кейин уни урвоққа аралаштириб, 500 г. ли зувалалар кесилади. Зувалани тўпга ўхшатиб думалоқлаганимиздан сўнг тахтачага қўйиб, чап қўл билан ўзимизга қаратиб буралиб, ўнг қўл билан қирғоғига пичоқда қўнғира солинади. Ана шундай тайёрланган зуваладан чеккаларининг қалинлиги 3-4 см. ўртасининг қалинлиги 1см. келадиган патир ясаб, зич қилиб чакич урилади. Ясалган патирнинг устига 15-20 дақиқа дастурхон ёпиб қўйилади. Патир оддий нонга қараганда узоқроқ пиширилади. Пишиб чиққач, устига эритилмаган думба ёғи суртилади.

Ёғли кулча

30 г. хамиртурушни 1 стакан иссиқ сутда ивитиб, 1 стакан эритилган қўй ёғи ва 0,5 стакан майдаланган жизза қўшиб хамир қорилади. Хамир кўпчигач, 80-100 г.ли зувалачалар ясалиб, оддий нонга нисбатан семизроқ кулчалар ясалади. Уларнинг юзига чакич урилиб, 20-25 дақиқа тиндирилади. Газ патниси ёғланиб, сўнгра кулчалар терилади. Юзи чиройли қизаргунча пиширилади.

Наргиза ЖЎРАБЕКОВА тайёрлади

Узун сочлар сири

Соч инсонга ўзгача кўрк бағишлайди. Шундай экан, унга алоҳида эътибор билан қараш, тўғри парваришлаш лозим. Соч майин, дағал, жингалак ва силлиқ бўлиши мумкин.

Соғлом одамнинг сочи бир ойда ўрта ҳисобда 1² см.га ўсади. У қиш ва куз ойларига қараганда, баҳорда ва ёзда, тунга нисбатан кундузи яхши ўсади.

Бош терисига совун теккизиш ярамайди. Акс ҳолда, соч мўрт бўлиб қолади. Шунинг учун совунни қўлда кўпиртириб суртган маъқул.

Сочларингиз ялтираб, жилоланиб туришини истасангиз:

* бошни ювиб бўлгандан сўнг, бир литр сувга бир ош қошиқ мойчечак қўшиб тайёрланган дамламага чайиш керак.

* ювишдан 5-10 дақиқа олдин сочингизга қатиқ ёки тухум сариғини суртиб, ўраб қўйинг.

Қуруқ сочларни ёғлироқ қилиш учун сочга бирор иситилган мой, масалан, канакунжут мойи суртиб, 30 дақиқадан сўнг бошни ювиб, лимон шарбати ёки бир литр сувга бир ош қошиқ сирка қўшиб чайилади.

Ёғли сочларни ювишдан олдин алоэ, пиёз, сабзи шарбатларини суртиш тавсия этилади. Бошни ювиб бўлгандан кейин доривор ўсимликлар дамламаси билан чайинг.

Соч илдизи бақувват бўлиши учун ёнғоқ барги ва ғўрасини қайнатиб, сочингиз илдизларига суртасиз.

Сочни қаттиқ сув ва ишқорли совун билан ювиш, фен ёрдамида қуритиш, кимёвий воситалар билан жингалак қилиш ўсишига салбий таъсир қилади. У жуда қуруқ ва хира бўлиб қолиши билан бирга, тўкилиб кетиши ҳам мумкин.

Калта сочлар тагидан, узун сочлар эса устидан бошлаб таралади. Тўкилувчан сочни тарашда йирик тишли тароқ ёки соч чўткаси ишлатилади.

Бошни енгил массаж қилиб туриш яхши наф беради.

Дилором МУСАЕВА тайёрлади.

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To`lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -21.40

Буюртма Г — 151

21000 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5